

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**356 Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–5030-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш) Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибига киради.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибида лойиҳалаштиришда техник нормалаштириш, инновацион лойиҳа ечимлари, технологиялар ва қурилиш материалларини татбиқ этиш Бошқармасини ташкил этиш;

худудий давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, давлат экспертиза бошқармалари ҳамда қурилишда танлов савдолари ва нарх белгилаш консалтинг марказларининг Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилишнинг Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси, лойиҳа олди ва шаҳарсозлик ҳужжатлари давлат экспертиза бошқармаси ҳамда қурилишда тендер савдолари бошқармасига тегишли равишда уларнинг ҳисобот бериши сақланган ҳолда бўйсунуши;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхонаси шаклида Архитектура-режалаштириш бюросини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш тизими тузилмаларининг ҳамкорлик қилиш схемаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш тизимининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 81 нафардан иборат бўлган марказий аппаратининг янги тузилмаси 2- ва 3-иловаларга\* мувофиқ;

---

\* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш ҳузурида Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитасининг таркиби, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг намунавий таркиби, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимларининг намунавий таркиби 5 — 7-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш раисига, зарур ҳолларда, қўмитанинг марказий аппарати ҳамда ҳудудий тузилмаларининг таркибига бошқарув ходимларининг белгилаб қўйилган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитасига бўйсунадилар ҳамда ҳисобот берадилар;

туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари тегишли равишда бош архитектор ҳисобланади.

5. Лавозимга тайинлаш ва озод этишнинг қуйидаги тартиби белгилаб қўйилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда берилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг буйруғи билан, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

#### 6. Белгилансинки:

---

\* 5 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош бошқармаларининг қўшимча 66 та штат бирлиги қисман Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари штат бирлиги 28 тага қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари)да қўшимча 386 та штат бирлиги туманлар (шаҳарлар) ободонлаштириш бошқармаларининг штат бирлигини 193 тага қисқартириш ҳамда 193 та қўшимча штат бирлиги ажратиш ҳисобига шакллантирилади.

7. Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳарсозликни янада ривожлантириш бўйича Комплекс чора-тадбирлар 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин, унда қуйидагилар назарда тутилган:

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик нормалари тўғрисидаги қонунчиликка, қоидалар ва стандартларга риоя этиш назоратини таъминлаш;

худудларни ривожлантиришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқишни таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш;

шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш ва техник жиҳатдан тартибга солиш;

лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

архитектура, лойиҳа иши ва қурилиш соҳаларида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш таркибий тузилмаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш масъул ижрочилар — манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга, белгиланган муддатларда тасдиқланган чора-тадбирлар комплексини сифатли амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш ҳузуридаги Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси инспекторларига, давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ва туманлар (шаҳарлар) бош архитекторларига:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча қурилишларда, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектларида рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги ва шаҳарсозлик норма ҳамда қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия билан келишмаган ҳолда, ҳеч бир тўсиқларсиз қисқа муддатли (субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) инспекторлик текширувлари ўтказиш;

текширувни амалга ошириш жараёнида аниқланган қонун бузилишлар-

\* 8-илова рус тилидаги матнда берилган.

ни бартараф этиш бўйича, зарурият бўлса, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш мажбурий бўлган кўрсатма бериш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишнинг мурожаатларига мувофиқ шаҳар аҳоли пунктларининг бош режалари ва муфассал режалаштириш лойиҳалари, шунингдек, барча тоифадаги қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларнинг архитектура режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида ҳар йили республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давархитектқурилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 июлигача буюртмачиларнинг идоравий хизматини ташкил қилишни яқунласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимларини тезкор бошқарув ҳуқуқи билан тегишли бинолар (хоналар)ни бепул ажратиш ва жойлаштиришни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари 9-иловага\* мувофиқ ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 1 май,  
ПҚ-2936-сон

---

\* 9-иловалар рус тилидаги матнда берилган.